

Ўсимликларнинг табиатда ва инсон фаолиятида аҳамияти

Халимова Ш.Э., Маткаримова А.А., Рахимова М.

Кўхна табиат махсули бўлмиш ўсимликлар дунёси инсонларни озиқлантириш, кийинтириш, нозу – неъматлари билан танга роҳат бахш этиш, нафис назокати билан эстетик завқ бериши билангина эмас, эвалюция жараёнини ўзида мужассамлаштирилган ички дунёси, ақл бовар қилмайдиган биологик хусусиятлари, салобатли шоҳ – шаббаси, уларнинг умрбоқийлиги, ҳайвонлар сингари тирик мавжудотлар билан озиқланиши келгуси авлодларни ўз бағрида вояга етказиб мустақил ҳаётга йўлланма бериш каби ирсий белгилари билан ҳам неча асрлардан бери ўзига ром этиб келади.

Бизнинг Ўзбекистонимизнинг ўсимликларга бой ўлкадир. Ўсимликлар ҳам табиий бойликлармиздан бири ҳисобланади. IV жилдли “Флора Ўзбекистона” китобида тўрт мингдан ортиқроқ (4148) тур қайд этилган. Республикамизнинг бой хазинаси ҳисобланмиш бу ўсимликлар чўл минтақасидан тортиб токи яйлов минтақасигача кенг тарқалган ёки айтишимиз мумкин, ўсимликлар дунёсининг вакиллари барича жойларда сувда, қуруқликда, тоғда, чўлда, даштда учратиш мумкин. Ҳатто Антрактида музликларидан бўш жойларда ҳам миқдорда бўлса ҳам мох ва лишайниклар ўсади. Уларни ҳам хил экологик шароитда учратишимиз мумкин. Республикамизда инсон саломатлигини сақлаш ва уни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда.

Ер қуррасида ўсимлик ўчрамайдиган маскан кам топилади десак муболаға бўлмаса керак. У океан ва денгизларда, дарё ва кўлларда, кимсасиз жазирама чўл саҳроларда қояларда ва ғорларда, қир адирларда буюк тоғ ва яйловларда, гўзал боғларда, шунингдек ҳар бир хонадонда ҳам топилади.

Сўнги маълумотларга кўра ер юзида тубан ва юксак ўсимликларнинг 500 минга яқин турлари ўсади. Ўрта Осиёда юксак ўсимликларнинг 800 дан зиёд, Ўзбекистонда эса 4500 га яқин турлари ўсади. Мана бундай хилма-хиллик ердаги ҳаётнинг давом этишида муҳим рол ўйнайди.

Табиатнинг битмас-туганмас бойликларидан бири ўсимликлардир. Ўсимликлар ҳақида сўз юритар эканмиз, кўз олдимизда табиатнинг ранг-баранг, сўз билан ифодалаш қийин бўлган ажойиб маназаралари намоён

бўлади. Теварак атрофга синчиклаб разм солсангиз, ўсимликлар ҳаётимизда жуда катта рол ўйнаши, бой энергия манбаи эканлигини сезасиз. Дунёни қайси қисмида, хоҳ шимолда, хоҳ жанубда, хоҳ шарқ, хоҳ ғарбда бўлмасин, хуллас, ҳамма минглаб катта ва кичик дарахтларни, ўн минглаб Ер юзасидаги сув остида ўсадиган турли-туман майда замбуруғларни, сув ўтларини ва бошқа бир қанча ўсимликларни, майса ва гиёҳларни кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда бу ўсимликларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланилмасда, лекин уларнинг кўпчилиги халқ хўжалигида муваффақиятли суратда қўлланилмоқда.

Юксак ўсимликларнинг турлар сони 300 мингга яқинни ташкил этади. Юксак ўсимликлар турларининг энг кўпи магнолиофитлар (Magnoliophyta) (гулли ўсимликлар) га мансуб бўлиб, ҳозирги вақтда уларнинг 30 минг туридан инсон ўзининг кундалик эҳтиёжларини таъминлашда озми-кўпми фойдаланади. Шулардан 1000 тури маданий (экма) ҳолда кенг тарқалган. Уларнинг орасида озиқ-овқат, доривор, техник, ем-хашак, зеб- зийнат (хушманзара), манзарали, мой ва тола олиш каби мақсадларда экиладиганлари бор.

Яшил ўсимликлар барча тирик мавжудот учун ҳаёт манбаи ҳисобланади. Улардан ҳайвонлар, қушлар, ҳашоратлар озуқа сифатида фойдаланилади. Ўсимликлар ҳаводаги кислородни бойитади. Кислороддан эса барча тирик организмлар нафас олади. Ўсимликлар тупроқнинг унумдорлигини оширади ва уни емиришдан сақлайди.

Маълумки, ўсимликлар дунёси табиатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун ўсимликлар оламини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, улардан доривор, озиқ-овқат сифатида ва бошқа мақсадларда фойдаланиш, ем-хашак хусусиятини ҳисобга олишимиз ҳамда ҳар бир тур ўсимликни илмий жиҳатдан бир-биридан ажрата билишимиз керак.

Республикамиз табиатини унинг ўсимликларини тинмай ўрганиш керак; ҳали халқ хўжалигида фойдаланмай келаётган янги-янги ўсимликлар турларини топиш лозим. Табиат битмас-туганмас хазина, унинг сирларини пухта ўрганиб, ундан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланиш керак.

Инсонлар саломатлигини тиклашда шифобахш ўсимликларнинг роли бекиёсдир. Расмий доривор препаратларнинг 40 % дан ортиғи ўсимликларга тўғри келади. Юрак-қон томири касалликларида қўлланиладиган препаратларнинг асосий қисми ўсимликлардан олинади.

Доривор ўсимликлар халқ табобатида қадимдан турли касалликларни даволашда кенг миқёсда қўлланиб келинган шифобахш воситадир. Ўсимлик хом-ашёларидан тайёрланган дори-дармонларга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, шундай экан, бу талабни тўлиқ қондириш учун ўсимлик бойликларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга, улардан кўпроқ дори-дармонлар тайёрлашга эътибор бериш керак.